

Оиладаги қўполлик ва унинг муолажаси

15:05 / 26.04.2016 3460

Оиладаги қўполлик ва унинг муолажаси

Мажлис оиладаги қўполлик ва унинг муолажаси масаласини ва унга бағишланган илмий тадқиқотларни кўриб чиқди ва қуйидаги хулосаларга келди.

Оиладаги қўполлик дегандан мақсад:

Биринчи: Оиладаги қўполлик-моддий ва маънавий кучни ношаръий равишда ишга солиб, бошқага озор етказишдан иборатдир.

Иккинчи: Оиладаги қўполлик эрнинг хотинга ва хотиннинг эрга нисбатан, ота-онанинг фарзандларга ва аксинча қўполлик ишлатишини ўз ичига олади. Шунинг-дек, у жисмоний, жинсий, оғзаки, дўқ-пўписа, ижтимоий, фикрий қўполликни ўз ичига олади. Унинг энг хатарли турларидан бири «ор учун ўлдириш»дир.

Учинчи: Оиладаги қўполликнинг сабаблари бўлиб, уларнинг хулосаси қуйидагилардан иборат:

-Диндорликнинг етишмаслиги ва нотўғри тушунча.

-Нотўғри тарбия ва қўпол муҳитда ўсиш.

-Оила ичида ўзаро мулоқот ва маслаҳат маданиятининг етишмаслиги.

-Эр ва хотин орасида турли жабҳаларда, жумладан фикрий жиҳатдан мутаносибликнинг йўқлиги.

-Камбағаллик ва ишсизлик каби яшаш шароитларининг ёмонлиги.

Тўртинчи: Оиладаги қўполлик оқибатида эр ва хотин, болалар ва жамиятга кўпгина хатарли асоратлар етади.

Шу сабабдан мажлис оиладаги қўполликнинг барча тур ва кўринишлари шарият қайтарган нарса эканини таъкидлайди. Зулм ва озорнинг, ҳаром қилувчи шаръий далиллар эътиборидан қўполликнинг барча турларига яқинлашиш жоиз эмас. Хусусан, раҳм-шафқат, муҳаббат ва сокинлик асосида қуриладиган оилада бу нарсани ишлатиш мутлақо мумкин эмас.

Шу сабабдан мажлис оиладаги қўполликни йўқотиш бўйича Ислом жорий қилган воситаларни яна бир бор таъкидлайди:

1. Диндорлик ва тўғри тарбияни ривожлантириш. Оила ичида ўзаро мулоқот ва маслаҳат маданиятини кучайтириш.

2. Жуфти ҳалолни тўғри асосда танлаш.

3. Зулм, калтаклаш, сўкиш ва хорлашнинг хатарини баён қилишда ваъз ва иршод услубига суяниш.

4. Қўполликни ман қилиш учун икки ҳакам сайлашга ўтиш.
5. Зикр қилинган воситалар наф бермаган чоғда ва эру хотиндан бири қаттиқ туриб олганда талоқ, маҳкама ёки икки ҳакам ҳукми ила ораларидаги никоҳни бузиш.
6. Мажлис мусулмонларга оилада калтаклашдан четда бўлишни тавсия қилади. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлари давомида аёл кишини ҳеч урмаганлар ва «яхшиларингиз зинҳор урмайди», деганлар.

ФАТВО ВА ИЛМИЙ БАҲСЛАР БЎЙИЧА ЕВРОПА МАЖЛИСИ (Ўн тўртинчи сессия (23-27 феврал. 2005 йил. Қарор 148)